

«Башар нафси ёмонликка мойил этишдан узок эмас. Куръонда дейилган: «Мен нафсимни окламайман. Чунки нафс, агар Парвардигорнинг Ўзи раҳм килмаса, албатта барча ёмонликларга буюргувчидир». «Бу Аллохнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хохлаган кишиларга ато этур. Аллох улуг фазлу марҳамат сохибидир». Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан гараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шохдан тортиб сипохийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинади. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, улар битта-битта тарқ қилинади ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпилар эди. Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюғи бўлган ичкиликдан қайтиш тавбаси «ҳар иш ўз вақтига боглик» пардаси остида беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислоҳ аскарлари ёрдамида қофирларга қарши жангга қиришганимизда ғайб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Иймон қелтирганларга вақт қелмадимики, қалбларини Аллохнинг зикри ила юмшатсалар» мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан қўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қокдик. Тавфик йўлловчиси «Қимқи астойдил эшиқ қокса, қиради», мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ қўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди. Алқисса, «Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик»ни ихлос тилига қелтириб, «Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман», деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. Қўнғил ҳазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзага қикардик...».

(Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо ҳазратларининг асосий галабалари айни шу майни қатагон қилган фармондан сўнг қўлга қиритилган. Яна тарихдан маълумки, теурий подшоҳлардан Хусайн Бойқаро бошқарган мамлақатни айни шу ичкилик барбод қилган, унинг ўзи мастлигида суюмли ва умидли набираси Мўмин Мирзо қатлига фармон берган).